

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
ТҮПЛАМИ**

*(2014 йил 1 июнгача бўлган ўзгартиши  
ва қўшимчалар билан)*

**Тошкент  
«Адолат»  
2014**

**УЎК: 347.63(575.1)(094.5)**

**КБК 67.404.4**

**Б 83**

Б 83      **Бола хуқуқларига оид конун хужжатлари тўплами**  
(2014 йил 1 июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)/  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат»,  
2014 й. – 92 б.

ISBN 978-9943-4376-7-8

**УЎК: 347.63(575.1)(094.5)**

**КБК 67.404.4**

**Нашр учун масъул:**

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
биринчи ўринбосари

М. Икрамов

**Нашрга тайёрловчилар:**

Д. Саъдуллаев

Д. Ибрагимова

ISBN 978-9943-4376-7-8

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги  
«Адолат» нашриёти, 2014 йил.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь,  
243 (494)-сон)

## **(Кўчирма)**

**41-модда.** Ҳар ким билим олиш хукуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатла-  
нади.  
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

\*\*\*

**43-модда.** Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонун-  
ларда мустаҳкамланган хукуқлари ва эркинликларини таъмин-  
лайди.

\*\*\*

**45-модда.** Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва  
ёлғиз кексаларнинг хукуқлари давлат химоясидадир.

\*\*\*

**64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунла-  
рига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг ва-  
сийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва  
ўқитишини таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фао-  
лиятларни рағбатлантиради.

**65-модда.** Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва  
фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МЕҲНАТ КОДЕКСИ**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова)

### **(Кўчирма)**

\*\*\*

#### **77-модда. Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш**

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вактида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

\*\*\*

#### **239-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар**

Белгиланган минимал иш жойлари хисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари хисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак.

## **240-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

## **241-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити нокулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди.

## **242-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати**

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга хафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса хафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиши мумкин эмас.

**243-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлаш**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган микдорда тўланади.

Корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

**244-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун – ўттиз календарь кун хисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса, – умумий тартибда хисоблаб чиқарилади.

**245-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

## **246-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатлари**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

## **247-модда. Меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш**

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар хамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиласиган ёки уларга бошқача тарзда зарап етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

## **247<sup>1</sup>-модда. Таълим муассасаларининг битирувчилари учун қўшимча кафолатлар**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичida биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ОИЛА КОДЕКСИ**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 й., 5–6-сонга илова)

### **(Кўчирма)**

\*\*\*

## **11-боб. ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **65-модда. Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи**

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онаси-ни билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари хурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмагандан ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингандан ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

### **66-модда. Боланинг ота-онаси ва бошқа қарин- дошлари билан кўришиш ҳуқуқи**

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-уқалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшashi боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.



Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, хибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлири билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

### **67-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи**

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофик тўла мумомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқук ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган сунистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини сунистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу хақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

## **68-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи**

Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд мухокамаси ёки маъмурий мухокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

## **69-модда. Боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи**

Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига караб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб

чиқкан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан хал этилади.

## **70-модда. Боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қиласди. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмагандан, улар ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ  
ҚАРОРИ**

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА  
ҚЎШИЛИШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 41-модда)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган принципларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг қадр-қимматини, тенг ва дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш инсон эркинликларини таъминлашнинг асоси эканлигини эътиборга олиб, шунингдек болалар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қиласди**:

1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессияси қабул қилган Бола ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенцияга қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
1992 йил 9 декабрь,  
757-XII-сон.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТҮФРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 1-2-сон, 1-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабр-  
да маъқулланган

### (Кўчирма)

\*\*\*

## 2-боб. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

### 7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолат- лари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошка қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар teng ҳамда ҳар тарафлама химоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан химоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган холлар бундан мустасно.

### 8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суюқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

## **9-модда. Боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

## **10-модда. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажо-вузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, хибсга олиниши, қамоқقا олиниши мумкин эмас.

Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, кўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошка шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фохишалик билан шуфулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади.

## **11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёкатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз хукуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган хукуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган сунистеъмолликлардан ҳимояланиш хукуқига эга.

Боланинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик хукуқларини сунистеъмол қилганда бола ўз хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишаат қилишга ҳақли.

Боланинг хаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

## **12-модда. Болаларни тарбиялаётган оиласларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш**

Давлат болаларни тарбиялаётган оиласларни қўллаб-куватлашни кафолатлайди, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

## **13-модда. Боланинг оилавий мухитга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онаси-ни билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Боланинг ота-онаси бўлмагандан, улар ота-оналини ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияла-ниш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъмин-ланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-син-гиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшави боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, хибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳол-ларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошла-ри билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўри-шиш ҳуқуқига эга.

## **14-модда. Боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмаслиқдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари факат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигига бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оиласа, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларидан қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

## **15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари**

Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳаклидир.

## **16-модда. Боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиши хуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно.

Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва хуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиши ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади.

### **17-модда. Боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги хуқуқи кафолатлари**

Бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги хуқуқига эга.

Боланинг фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин.

### **18-модда. Боланинг хусусий мулкка бўлган хуқуқи кафолатлари**

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк хуқуқига эга бўлиши мумкин.

Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошка қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

### **19-модда. Боланинг турар жойга бўлган хуқуқлари кафолатлари**

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш хуқуқига эга. Мазкур хуқуқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчинг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиши эгаллаб турган турар жойга нисбатан хуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

## **20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари ни уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол тошишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишидан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

## **21-модда. Боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқقا эга.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобиляйтлари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди.

Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишни ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонун хужжатларига мувофиқ давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади.

## **22-модда. Боланинг соғлигини сақлаш хукуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола соғлигини сақлаш хукуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлигини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун хужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

Боланинг соғлигини сақлаш хукуқи давлат томонидан қўйидаги йўллар билан таъминланади:

малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиги ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

касбга яроқлийкни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;

соғлигининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Ўн тўрт ёшдан катта ёшдаги бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш хуқуқига эга.

Бола билан унинг ҳаётига, соғлиғи ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўtkазиш тақиқланади.

Давлат махсус чекловларни жорий этиш ва махсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкоголга мойилликдан, чекишдан, гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан химоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

### **23-модда. Боланинг билим олиш хуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола билим олиш хуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-хунар таълими олишини кафолатлайди.

### **3-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар хуқуқларининг қўшимча кафолатлари**

### **24-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг оила муҳитига бўлган хуқуқи кафолатлари**

Давлат боланинг оиласида бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оиласарга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оиласага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-кувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қўйидагилардир:

vasiylik va ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оиласага тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун хужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

## **25-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг жамиятга уйунлашиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар ва улар оиласарининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида

нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш хукуқига эга.

## **26-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг турар жойга бўлган ҳукуқлари кафолатлари**

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун хужжатларига мувофиқ турар жой олиш хукуқига эга.

## **27-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳукуқи кафолатлари**

Ижтимоий ёрдам уни олиш хукуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш микдори, шартлари ва тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун хужжатларида белгиландиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга мухтоj болаларни қўллаб-куватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун хужжатларига мувофик рағбатлантиради.

## **28-модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, харатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминлашишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун хужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари хисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари хисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

## **29-модда. Ижтимоий ҳимояга мухтоj болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Давлат маҳсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга мухтоj болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун маҳсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишлирига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган такдирда, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишиларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларга ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий ўкув юртларига ўқишга киришда қонун хужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 январь,  
ЎРҚ-139-сон.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

## **ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда)*

### **(Кўчирма)**

\*\*\*

#### **4-модда. Билим олиш ҳуқуқи**

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси худудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оиласда ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

\*\*\*

## **10-модда. Таълим турлари**

Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;  
умумий ўрта таълим;  
ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими;  
олий таълим;  
олий ўқув юртидан кейинги таълим;  
кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;  
мактабдан ташқари таълим.

\*\*\*

## **12-модда. Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълим босқичлари қўйидагicha:

бошланғич таълим (I–IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I–IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўнинма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.



Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўнникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

### **13-модда. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишининг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш хукуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш хукуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табакалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус ўкув ютидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўкув ютидир.



## **14-модда. Олий таълим**

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта маҳсус, касбхунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги хужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

## **15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (кatta илмий ходим-изланувчилар институти, мустақил изланувчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даража ва илмий унвонлар бериш тартиби қонун хужжатларида белгиланади.

\*\*\*

## **17-модда. Мактабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий,

техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун хужжатларида белгилаб қўйилади.

\*\*\*

## **20-модда. Таълим олувчини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун хужжатларига ва норматив хужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

## **21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб оқладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

## **22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиши**

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиши ва уларни боқиши давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш**

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узок вақт даволанишга муҳтоҷ болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтинослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтинослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

## **24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтоҷ бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари**

Алоҳида шароитларда тарбияланниш ва ўқишига муҳтоҷ болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтинослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент ш.,  
1997 йил 29 август,  
464-I-сон.

## **КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 й., 11–12-сон, 295-модда)*

### **(Кўчирма)**

\*\*\*

### **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ**

Тўққиз ўйллик (I–IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I–IV синфлар) камраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қўйидагилар зарур:

мактабнинг I–IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

юкори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

худудларнинг жуғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

таълим беришнинг илфор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.



## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.


Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларидан шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом этириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқарилари мумкин.

Касб-хунар колледжи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчи-ларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва қўнималарини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар колледжлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўкув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўкув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чукурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг битирувчи-ларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини беради.



Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-хунар коллеклари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ўкув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиши;

академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўнкималарини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

касб-хунар коллекларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

худудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллекларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

\*\*\*

## **МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ**

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат орган-

лари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилемаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини хал этиш учун кўйидагиларни амалга ошириш керак:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармогини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илфор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

\*\*\*

#### **4.5. ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ВА ИСТЕҶДОДЛИ ЁШЛАР**

Иқтидорли болалар ва истеъоддли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироқи таъминланади. Фан ва техникани, сиёsat ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъоддли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишига қартилган событқадам фаолият амалга оширилади. Академик ли-



цейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА ДОИР, БОЛАЛАР САВДОСИ, БОЛАЛАР ФОҲИШАБОЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР ПОРНОГРАФИЯСИГА ТААЛЛУҚЛИ ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛГА (НЬЮ-ЙОРК, 2000 ЙИЛ 25 МАЙ) ҚЎШИЛИШИ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 50-сон, 492-модда)

Конунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда  
маъқулланган

Бола ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллукли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилинсан.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 декабрь,  
ЎРҚ-188-сон.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ  
ТҮФРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА ДОИР, БОЛАЛАРНИНГ  
ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ИШТИРОКИГА ТААЛЛУҚЛИ  
ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛГА (НЬЮ-ЙОРК, 2000 ЙИЛ  
25 МАЙ) ҚЎШИЛИШИ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 50-сон, 494-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда  
маъқулланган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўйидаги баёнот билан қўшилинсин:

Протоколнинг 3-моддаси 2-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён этадики, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига фуқароларнинг чақируви Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ улар фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг йўл қўйилади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 12 декабрь,  
ЎРҚ-190-сон.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

## ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТҮФРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуҗжатлари тўплами,  
2014 й., 1-сон, 1-модда)

### (Кўчирма)

\*\*\*

#### **26-модда. Вояга етмаганларга нисбатан улар ота-она- сининг ёки вояга етмаганларнинг ўз ари- засига кўра васий ёки ҳомий тайинлаш**

Туман, шаҳар ҳокими қарори билан ота-онанинг узрли са-  
бабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини ба-  
жара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига  
васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида васий  
ёки ҳомий тайинланиши мумкин, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда  
васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрса-  
тилади.



Вояга етмаган болаларнинг ота-онаси ўз соғлиғи ҳолатига кўра болалариға васийни ёки ҳомийни, агар унинг розилиги бўлса, белгилаши мумкин. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болалариға васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ота-онанинг ўз вояга етмаган болалариға васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси ушбу ариза ёзилган сана кўрсатилган ҳолда уларнинг ўз қўли билан имзоланган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Ота-она ўз вояга етмаган болалариға васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасини болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига янги ариза бериш йўли билан бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга ҳомий вояга етмаганнинг аниқ шахс кўрсатилган аризасига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан тайинланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими вояга етмаганнинг отаси (онаси) ёки ота-онаси ёхуд ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг ўзи кўрсатган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни фақат бундай тайинлаш қонун хужжатларига ёхуд вояга етмаганнинг қонуний манфаатларига зид бўлган тақдирда қабул қиласди.

## **27-модда. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга висий ёки ҳомий тайинлаш**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга висий ёки ҳомий, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги висийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқлансан, тайинланиши мумкин.

Вояга етмаган висийликда ёки ҳомийликда бўлган даврда висийлик ва ҳомийлик органи унинг оиласини ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганни оиласига қайтариш масалалари бўйича, агар бу унинг қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим

муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди.

\*\*\*

## **28-модда. Васийликни ва ҳомийликни тугатиш асослари**

Васийлик қўйидаги ҳолларда тугатилади:  
васийликдаги шахс вафот этганда;  
вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда;  
вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда;  
васийликдаги шахс фарзандликка олинганда;  
фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда.

Вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугатилгач, васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс белгиланган тартибда тайинланмаган ҳолда вояга етмаганинг ҳомийси бўлиб қолади.

Ҳомийлик қўйидаги ҳолларда тугатилади:  
ҳомийликдаги шахс вафот этганда;  
ҳомийликдаги шахс вояга етганда;  
ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;  
ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда;  
фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;  
вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);  
ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;  
соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахснинг соғлиги яхшиланганда.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс тарбия, соғлиқни сақлаш, ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларда вақтинча бўлганда васийнинг ёки ҳомийнинг узрли сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги васийнинг ёки ҳомийнинг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга нисбатан хуқуклари ва мажбуриятларини бекор қилмайди.

\*\*\*

## **34-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари**

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийларнинг ёки ҳомийларнинг мол-мулкига нисбатан, васийлар ёки ҳомийлар эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкига, шу жумладан алиментлар, пенсиялар, нафақалар суммаларига ҳамда бошқа ижтимоий тўловларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мол-мулк конунда назарда тутилган асосларга кўра умумий мулк ҳуқуқи асосида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга, васийларга, ҳомийларга тегишли бўлиши мумкин.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ўз васийларининг ёки ҳомийларининг мол-мулкидан уларнинг розилиги билан фойдаланишга хақли.

Васийларга ёки ҳомийларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкидан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиш тақиқланади.

## **35-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш**

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқариш мол-мулкнинг жойлашуви бўйича белгиланади.

Васийлар ўз васийлигидаги шахснинг пул маблағларини банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйишга хақли. Васийликдаги шахснинг банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйилган пул маблағларини васий томонидан сарфлаш фақатгина васийликдаги шахснинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсатига кўра амалга оширилади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган шахсларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг розилиги билан ҳомийликдаги шахснинг таъминотига ва майший эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган майший ёки бошқа битимлар тузади, шунингдек конун хужжатларида белгиланган тартибда ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқаришни амалга оширади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

Суднинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда ёхуд мерос қабул қилинганда мол-мулкини бошқариш бекор қилинади.

### **36-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини муҳофаза қилиш**

Васийлар ёки ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкини уни сақлашни амалга оширган шахслардан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги рўйхат бўйича қабул қилиб олиши шарт.

Зарурат бўлган тақдирда, муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ва соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг мол-мулкини уларнинг илтимоси бўйича рўйхатга кўра қабул қилиб олишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг рўйхати васийлик ва ҳомийлик органи томонидан васий ёки ҳомий, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс иштирокида тузилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг рўйхатини тузишда бошқа манфаатдор шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг рўйхати уч нусхада тузилади ва мол-мулк рўйхатини тузишда ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Рўйхатнинг бир нусхаси васийга ёки ҳомийга топширилади, иккинчи нусхаси васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг васийлик ва ҳомийлик органи томонидан юритиладиган шахсий ҳужжатлар йиғмагжилдида сақланади, учинчи нусхаси эса, давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига юборилади.

Зарурат бўлганда, агар буни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг қонуний манфаатлари талаб этса, васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкини ўзганинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақида судга ариза бериши ёхуд ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мулкий хуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бошқа чоралар кўриши шарт.

Васийлар ва ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзига топширилган мол-мулкини асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги керак. Васий ва ҳомий томонидан мазкур мажбуриятларнинг бажарилиши ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Васийлар ўз васийлигидаги шахслар номидан тузган битимлар юзасидан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **37-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкий хуқуқларига дахл қиласидиган ҳаракатларни васий ёки ҳомий амалга оширганида васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатлари**

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан:

васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланни лозим бўлган битимлар тузишга;

мол-мулкни тақсимлашга;

васийликдаги шахснинг мол-мулкини бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга ёки ижарага беришга;

васийликдаги шахснинг турад жойини айирбошлишга;

васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга ҳақли.

Агар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга қарашли мол-мулкнинг қиймати пасайишига олиб келиши мумкин бўлса, барча ҳолларда, хусусан:

vasiylikdagi ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатларини кўзлаб берилган даъводан воз кечилганда;

суд мухокамасида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан келишув битимини тузишда;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс даъвогар бўлган ижро ишини юритиш бўйича қарздор билан келишув битимини тузишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати талаб этилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рухсат беришни рад этиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсат ёки рухсат беришни рад этиши бундай рухсатни бериш тўғрисида ариза топширилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан васийга ёки ҳомийга тақдим этилиши керак.

### **38-модда. Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатини олмай туриб васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан шартнома тузиш оқибатлари**

Васий ёки ҳомий томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатисиз васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан шартнома тузишлариги факти аниқланганда, васийлик ва ҳомийлик органи васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатларини кўзлаб зудлик билан судга мурожаат қилиши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатисиз васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан тузишган шартнома ҳақиқий эмас деб топилганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга тегишли бўлган мол-мулк қайтарилиши, шартнома тарафларига етказилган заарнинг ўрни эса, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда васий ёки ҳомий томонидан қопланиши шарт.

## **39-модда. Васий ёки ҳомий томонидан етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга ғайриконуний харакатлар (харакатсизлик) туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланишини васийдан ёки ҳомийдан талаб қилиши шарт, васийлик ёки ҳомийлик тугатилганда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги муомалага лаёкатли шахс талаб қилишга ҳақли.

Васий ёки ҳомий томонидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини сақлашга ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқаришга доир мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда (мол-мулкни яроқсиз ҳолга келтириш, лозим даражада сақламаслик, мол-мулкни белгиланган мақсад учун сарфламаслик, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг қиймати пасайишига сабаб бўлган ҳаракатларни (харакатсизликни) амалга ошириш ва бошқалар) васийлик ва ҳомийлик органи бу ҳақда далолатнома тузиши ҳамда васийга ёки ҳомийга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиши шарт.

## **40-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга нафақа тайинлаш**

Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда унинг таъминоти учун нафақа тайинлаш мақсадида тегишли органларга мурожаат қиласди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент ш.,  
2014 йил 2 январь,  
ЎРҚ-364-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТУРАР ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 31-сон, 260-модда)*

Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий химоясини кучайтириш, уларни турар жойлар билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп квартирали уйлардаги бўш турган квартиralардан берилади.

3. Белгилаб қўйилсанки, бўш турган турар жой бўлмаганда, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун ижтимоий норма доирасида уй-жой майдони бўлган турар жойни сотиб олиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблаглар ёки тегишли ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари маблаглари хисобидан мақсадли трансферт, шу жумладан бюджет трансферти берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойлар сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан бюджет трансфертлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни

бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқа ташкилотлари фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйжойлар ва кўп квартиralи уйлардаги бўш турган квартиralнинг улар негизида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун оиласиий ётоқхоналар ва квартиralар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки уларнинг балансига ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласинлар.

Хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий тузиладиган бепул фойдаланиш, хадя килиш шартномалари ёки бошқа шартномалар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига уй-жойларни, кейинчалик уларни етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун фойдаланишга бериши ёки ушбу органлар мулкига ўтказиши мумкин.

Бунда ушбу қарорга мувофиқ бепул бериладиган уй-жойлар Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мувофиқ юридик шахсларга солинадиган фойда солиги ва қўшилган қиймат солиги бўйича солик олиш обьекти хисобланмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўлжалланган турар жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини ҳамда уларни турар жойлар билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилиши юзасидан назоратни;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар беришда қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси коммунал

уй-жой фонди тўғрисидаги Низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари А.Н. Арипов ва Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 2 август,  
164-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 августдаги  
164-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум  
бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтоҷлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгacha бўлган шахслар (кейинги ўринларда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар деб аталади) ушбу Низомда назарда тутилган тартибда турар жой олиш хуқуқига эгадир.

3. Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп квартирали уйлардаги бўш турган квартиralардан берилади.

Бунда агар ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп квартирали уйлардаги бўш турган квартиralар сўнгги олти ой мобайнида белгиланган тартибда эгалланмаган бўлса, ёхуд тегишли асосларсиз бошқа мақсадларда фойдаланилаётган бўлса вақтинча фойдаланилмаётган уйлар деб эътироф этилади, мазкур турар жойлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда саклаб турилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқа ташкилотлари фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйжойлар ва кўп квартирали уйлардаги бўш турган квартиralарнинг улар негизида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун оилавий ётоқхоналар ва квартиralар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки уларнинг балансига ўтказилишини белгиланган тартибда таъминлайдилар.

Хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий тузиладиган бепул фойдаланиш, хадя қилиш шартномалари ёки бошқа шартномалар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига уйжойларни, кейинчалик уларни етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун фойдаланишга бериши ёки ушбу органлар мулкига ўтказиши мумкин.

Бунда ушбу Низомга мувофиқ бепул бериладиган уй-жойлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахсларга солинадиган фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ олиш обьекти хисобланмайди.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансида бўлган ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўлжалланган турар жойлар мақсадли коммунал уй-жой фондига киритилади ва улар бўйича алоҳида хисоб юритилади.

Идоравий уй-жой фондидаги фойдаланилмаётган турар жойларни бериш ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

6. Туманлар (шахарлар) ҳокимликлари бўш турар жой бўлмаганда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий нормадан кам бўлмаган уй-жой майдони бўлган турар жойни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ёки тегишли ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда мақсадли бюджет трансферти берадилар.

7. Ушбу Низомга мувофиқ бериладиган, шу жумладан мақсадли бюджет трансферлари хисобига сотиб олинадиган турар жойлар хусусийлаштирилмайди. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади.

## **II. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш тартиби**

8. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасаларга, оиласиб болалар уйларига, фарзандликка олган оиласаларга, васийлар ёки ҳомийларга юборишда туман (шахар) ҳокимиининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш кафолати белгиланади.

9. Биритирилган турар жойга эга бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларда, бошқа таълим муассасаларида, оиласиб болалар уйларida, фарзандликка олган оиласаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даврида турар жойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасага юборишда, оиласиб болалар уйига, фарзандликка олган оиласа, васий ёки ҳомийга топширишда ота-оналар ёки бошқа шахслар томонидан сотиб юборилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши натижасида болалар мавжуд турар жойдан маҳрум бўлган ҳолат аниқланган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари ёки уларнинг қонуний вакиллари битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат қилишлари шарт.

Бунда туман (шаҳар) ҳокимининг қарорида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобида турар жойнинг сақлаб турилиши уни ҳақиқатда қайтариб олиш бўйича суднинг тегишли қарори ижро этилгандан сўнг расмийлаштирилиши кўрсатилади.

10. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобида турар жойнинг сақлаб турилиши юзасидан назоратни амалга оширади ва турар жойларнинг ноқонуний сотилганлиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирилганлиги холатлари аниқланган тақдирда, ноқонуний битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топиш чораларини кўради.

11. Куйидаги холатлардан бирида, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг улар ўз ҳисобида сақлаб турилган турар жойга қайтиб бориши мумкин эмас деб ҳисобланади:

1) бундай турар жойда ҳар қандай асосларга кўра қўйидаги шахслар яшаётганлиги:

ота-оналий хукуқидан маҳрум бўлганлар;

vasiy ёки ҳомийлар вазифасини бажаришдан белгиланган тартибда четлаштирилганлар;

собиқ фарзандликка олувчилар;

сил, сурункали касалликларнинг оғир шакллари билан оғриганлар, агар бундай шахслар билан тиббий, санитария ёки бошка кўрсатмаларга кўра бирга яшаш мумкин бўлмаса;

2) бола ҳисобида сақлаб турилган турар жой бўлган уйнинг бузиб ташланганлиги ёки турар жойнинг қулайлик, санитария, техника талабларига ва бошқа нормаларга жавоб бермаслиги, шунингдек турар жойнинг ёки унинг бир қисмининг вайрон бўлганлиги (вайрон бўлиш хавфи, авария холатида бўлиши);

3) бола ҳисобида сақлаб турилган турар жойдан у етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасада, оиласиб болалар уйида, фарзанд-

ликка олган оилада, васий ёки ҳомий қарамоғида бўлган даврида сотиш ва бошқача тарзда бегоналаштириш натижасида маҳрум бўлганлиги, агар турар жойни ҳақиқатда қайтариб олиш бўйича суднинг ижро этилган қарори бўлмаса;

4) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мустақил ҳаётга киришида уларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига тўқсинглик қиласиган бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги.

12. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасадан боланинг чиқишидан бир йил олдин ёки оилавий болалар уйида, фарзандликка олган оилада, васий ёки ҳомий қарамоғида бўлишининг тугашига қолган шу муддатда уларнинг қонуний вакили мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳолатларнинг бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлган тақдирда боланинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органига уни ўз хисобида сақлаб турилган турар жойга қайтиб боришининг имкони йўқ деб топиш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қиласи.

13. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакилининг бундай боланинг яшаш жойи бўйича ўз хисобида сақлаб турилган турар жойга қайтиб боришига тўқсинглик қиласиган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги илтимосномани бир ой давомида кўриб чиқади ва асослантирилган хулоса қабул қиласи.

14. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни яшаш жойи бўйича ўз хисобида сақлаб турилган турар жойга қайтиб боришининг имкони йўқлиги ҳақидаги хулоса васийлик ва ҳомийлик органи томонидан мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳолатлардан лоақал бири мавжуд бўлганда қабул қилинади.

Васийлик ва ҳомийлик органининг етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани яшаш жойи бўйича ўз хисобида сақлаб турилган турар жойга қайтиб боришининг имкони йўқлиги ҳақидаги хулосасига асосан туман (шахар) ҳокими бир ой муддат мобайнида уни жойлаштириш шаклини

белгилаш ҳақида ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ қабул қилинган қарорга (етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойга бўлган хуқуқларига доир) тегишли ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори болани илгари банд қилган турар жойга қайтиб боришига имкон бермайдиган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган илгари маълум бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган янги аниқланган холатлар мавжуд бўлса кечроқ муддатда (етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифасидаги болани етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасадан чиқишига қадар, оиласвий болалар уйида, фарзандликка олган оиласада, васий ёки ҳомий қарамоғида бўлишнинг тугашига қадар) ҳам қабул қилиниши мумкин.

### **III. Тураг жойларга муҳтоҷ бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳисобга қўйиш**

15. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасаларда, оиласвий болалар уйларида, фарзандликка олган оиласаларда, васий ёки ҳомийлар қарамоғида тарбияланган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакиллари болаларнинг уларда бўлиш муддати тугашидан олти ой олдин болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ариза берадилар ва уларнинг турар жой олиш хуқуқини тасдиқловчи тегишли маълумотларни тақдим этадилар.

Боланинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатилган маълумотнинг келиб тушишини назорат қилади ва зарур ҳолларда, тегишли хужжатларни ўзи сўраб олади.

16. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакиллари томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан болаларнинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи уч иш куни мобайнода уларни аниқлаш ва дастлабки жойлаштириш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимлигига хужжатлар тўпламини ҳамда етим болалар ва

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга мухтожлар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида асосли тақдимномани юборади.

17. Васийлик ва ҳомийлик органининг тақдимномасига қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

1) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уларга ижара шартномаси асосида турар жой бериш ҳақидаги аризаси;

2) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувохномаси;

3) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг хужжатларни тақдим қилиш вактида яшаш жойи ҳақидаги маълумотнома;

4) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларда туман (шахар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг мулк ҳуқуқи асосида кўчмас мулк мавжудлиги (йўклиги) ҳақидаги маълумотномаси;

5) васий (ҳомий) қарамоғида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мақомини тасдиқлайдиган хужжатларнинг нусхаси (ота-онанинг бири ёки ягона ота ёки онанинг ўлими ҳақидаги гувохнома, суднинг ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарори ва бошқалар);

6) туман (шахар) ҳокимининг болани тарбиялаш ва таъминлаш учун етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасага, оиласвий болалар уйига, васий ёки ҳомий қарамоғига топшириш ҳақидаги карори нусхаси;

7) васийлик ва ҳомийлик органи билан тутинган ота-оналар ўртасида тузилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун оиласга қабул қилиш тўғрисидаги битим нусхаси;

8) васийлик ва ҳомийлик органларининг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобида уларга биркитилган турар жой мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномаси.

18. Тақдимнома туман (шахар) ҳокимлиги томонидан Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга мухтоҷлар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги тақдимномаларни рўйхатга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

19. Туман (шахар) ҳокимлиги томонидан қабул қилинган тақдимнома Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси томонидан олдиндан кўриб чиқилади, Комиссия етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой шароитларини ва тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиққандан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари билан биргаликда текшириш далолатномаси тузади.

Текшириш далолатномасига ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

20. Туман (шахар) ҳокимлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

21. Туман (шахар) ҳокимлиги тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани васийлик ва ҳомийлик органига беради ёки жўнатади.

22. Туман (шахар) ҳокимлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга мухтоҷлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда асосланган қарор қабул қиласи.

23. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга мухтоҷлар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор, бундай қарор қабул қилишга асос бўлган тегишли ҳужжатлар билан бирга уч иш кунидан кечиктирмасдан туман (шахар) ҳокимлиги томонидан Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига турар жой бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун юборилади.

24. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар қуийидаги холатларда турар жойга муҳтожлар сифатидаги ҳисобдан чиқарилади:

улар томонидан мазкур Низомга мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқини берадиган асослар йўқотилганда;

улар яшаш учун бошқа аҳоли пунктига кетишганда;

мазкур Низомга мувофиқ уларга турар жой берилганда;

улар томонидан турар жой сотиб олиш учун белгиланган тартибида мақсадли трансфертлар, шу жумладан бюджет трансфертлари олинганда;

хужжатларда ҳисобга қўйишга асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги аниқланганда.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга муҳтожлар сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) ҳокими томонидан бундай қарорлар қабул қилишга асос бўлган холатлар аниқланган кундан эътиборан ўттиз иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга муҳтожлар сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорда ушбу бандда назарда тутилган холатларга албатта ҳавола қилинган асослар қайд қилиниши лозим.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга муҳтожлар сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмасдан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга берилади ёки жўнатилади ҳамда қарор юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

#### **IV. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар бериш тартиби**

25. Турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобга қўйилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар

га турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида навбатдан ташқари берилади.

Тураг жой бериш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирилмасдан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга берилади ёки жўнатилиди.

26. Тураг жойлар бериш тўғрисидаги қарорга мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасада, оиласвий болалар уйида, фарзандликка олган оиласада, васий ёки ҳомий қарамоғида бўлиши тугаётган йилнинг 1 июняига қадар бўлган муддатда тураг жойлар билан таъминланадилар.

27. Тураг жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига мувофиқ ижара шартномаси асосида берилади.

Берилаётган тураг жой бўш, алоҳида, қулай ва шинам бўлиши, белгиланган санитария меъёrlарига ва техник меъёrlарга, қонун хужжатларининг бошқа талабларига жавоб бериши лозим.

28. Тураг жой бериш тўғрисидаги қарор асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга белгиланган намунадаги ордер беради, у берилган тураг жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланади.

29. Ордер тураг жой бериш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими ёки туман (шаҳар) ҳокими томонидан тайинланадиган маҳсус ваколатли мансабдор шахс томонидан берилади. Ордер факат амалда бўш турган тураг жой учун берилади.

30. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тураг жойга ордер бериш, агар улар тўғрисидаги маълумотлар тураг жой бериш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаса, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тўхтатилади.

31. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойларни ҳисобга олиш ва турар жой учун берилаётган ордерларни рўйхатдан ўтказиши тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларида амалга оширилади.

32. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойга берилган ордер суд тартибида ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

## **V. Тураг жойни ижарага бериш шартномаси**

33. Туман (шаҳар) ҳокимлиги ёхуд унинг томонидан вакил қилинган бошқарувчи ташкилот ҳамда турар жой берилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлар уй-жой қонунчилиги ҳамда мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича Тураг жойни ижарага бериш намунавий шартномаси асосида тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

34. Тураг жойни ижарага бериш шартномаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ёхуд унинг томонидан вакил қилинган бошқарувчи ташкилот ва номига ордер берилган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ёзма шаклда 5 йил муддатга тузилади.

35. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойни ижарага бериш шартномасининг муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади ва мазкур Низомнинг 34-бандида кўрсатилган муддатда тугайди.

Тураг жойни ижарага бериш шартномаси янги муддатга тузилиши мумкин.

Тураг жойни ижарага бериш шартномасини янги муддатга тузиш зарур бўлган тақдирда етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссиясига ариза берадилар, Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси аризани кўриб чиққандан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) ҳокими-

га етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойни ижарага бериш шартномаси қайта тузилиши мумкин бўлган муддат тўғрисида таклиф киритади.

Туман (шахар) хокимининг қарори асосида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойни ижарага бериш шартномаси белгиланган тартибда қайта тузилади.

36. Тураг жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Томонларнинг турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича шартларни бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги қонун хужжатлари таълбларига риоя қилинган ҳолда томонларнинг битими билан белгиланади.

## **VI. Якуний қоидалар**

38. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мазкур Низомга мувофиқ ижарага берилган турар жой учун тўлов ундирилмайди. Бунда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар белгиланган тартибда кўйидагилар учун:

умумий мулкни сақлаш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича умумий харажатлар учун – хусусий ўй-жой мулқдорлари ширкатига ёки бошқа бошқарувчи ташкилотга;

коммунал хизматлар учун – коммунал хизматлар кўрсатувчиларга тўловни амалга оширадилар.

39. Мазкур Низомга мувофиқ берилган турар жой бўшаган тақдирда ушбу турар жой бошқа етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мазкур Низомга мувофиқ тақсимланади.

40. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойлар бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**БОЛАЛАР УЙЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 й., 23–24-сон, 265-модда)

**(Кўчирма)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила ўили» Давлат дастури тўғрисида» 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон қарорини бажариш юзасидан, Болалар уйлари фаолиятини такомиллаштириш, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни, психофизик ривожланиши бузилган болаларни хукуқий ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда тиббий-ижтимоий кафолатларни таъминлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, уларни тарбиялаш, жамиятга интеграциялаш, уларга таълим бериш учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Болалар уйлари тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 13 июнь,  
171-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 13 июндаги  
171-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Болалар уйлари тўғрисида НИЗОМ**

### **(Кўчирма)**

\*\*\*

#### **V. Болалар уйи тарбияланувчилиари**

26. Тарбияланувчиларни тиббий-ижтимоий таъминлаш, тарбиялаш, моддий таъминлаш, ҳаётий кўнкималарга ўқитиш тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

27. Тарбияланувчилар белгиланган тартибда қўйидагилар билан таъминланадилар:

уларга нисбатан инсон шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсонпарварлик муносабатида бўлиш;

оиласи билан алоқада бўлиш, миқдорлари чекланмаган ҳолда жўнатмалар, бандероллар олиш;

бепул овқатланиш, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминлашнинг бошқа буюмлари ҳамда тасдиқланган нормалар бўйича юмшоқ анжомлар билан таъминланishi.

Зарурият бўлганда тарбияланувчилар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан бепул таъминланадилар.

28. Тарбияланувчиларга тиббий ёрдам штатдаги тиббиёт ходимлари томонидан, зарурият бўлганда эса – белгиланган тартибда тегишли ҳудудий даволаш-профилактика муассасалари томонидан таъминланади.

Тарбияланувчининг соғлиғи ҳолати ёмонлашган ёки у вазфот этган тақдирда Болалар уйи маъмурияти бу ҳақда дарҳол юқори ташкилотни ва ота-оналарни ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахсларни, бундай шахслар бўлмагандага – тарбияланувчи доимий яшайдиган жой бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилади.

29. Вафот этган тарбияланувчиларни дафн этиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вафот этган тарбияланувчи дафн этилганда Болалар уйи маъмурияти томонидан дафн харажатлари бюджет маблағлари, шунингдек хайрия эхсонлари хисобидан амалга оширилади.

30. Тарбияланувчининг Болалар уйи худудидан ташқариға чиқиши факат Болалар уйи ходимлари ёхуд ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигига, Болалар уйи маъмуриятининг ёзма рухсати билан, ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахсларнинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг тегишли хulosаси олингандан кейин амалга оширилади.

Тарбияланувчи худуддан ташқарига ўзбошимчалик билан чиққан тақдирда Болалар уйи маъмурияти бу ҳақда унинг ота-оналарини ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахсларни, ички ишлар органларини, юқори соғлиқни сақлаш органларини ва тарбияланувчининг яшаш ёки бўлиш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор килади ҳамда биргаликда уни топиш ва қайтариш чораларини кўради.

31. Тарбияланувчилар озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг тасдиқланган ўртача суткалик оқилона нормаларига биноан озиқ-овқат, шунингдек мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ нормалар бўйича кийим-кечак, пойабзал, юмшоқ анжомлар билан таъминланадилар.

32. Ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар тарбияланувчиларни келиб кўриш, Болалар уйининг тиббий ва тарбиявий фаолияти, агар бу боланинг манфаатларига зид бўлмаса ўз болаларининг тиббий-педагогик реабилитациясининг бориши билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

33. Тарбияланувчилар «Мехрибонлик» йўларига ёки «Муррват» болалар интернат-ўйларига ўтказилганда уларга ички кийим, кийим-бош ва мавсумий пойабзал берилади.

34. Бош врач ушбу Низом талабларига мувофиқ тарбияланувчиларни Болалар уйига қабул қилиш ва ундан чиқариш юзасидан шахсан жавоб беради.

## **VI. Болалар уйларида тиббий-тарбиявий жараённи ташкил этиш**

35. Тарбияланувчиларни тиббий таъминлаш, тарбиялаш ва моддий таъминлаш тартиби уларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, психик ва жисмоний ҳолати хисобга олинган ҳолда белгиланади.

Маишӣ шарт-шароитлар реабилитация жараёнига кўмаклашиши, тарбияланувчилардаги ҳиссий зўриқиши юмшатиш учун шарт-шароитлар яратиши керак. Болалар уйининг биноси, қаттиқ ва юмшоқ анжомлар, тиббий ва хўжалик жиҳозлари, ўйинчоқлар санитария-гигиена талабларига жавоб берishi, болаларнинг ёши, соғлигининг ҳолати ва психик ривожланишига мувофиқ бўлиши зарур.

36. Болалар уйидаги даволаш-соғломлаштириш ишлари қасалликка чалиниш хавфи омилларини барвакт аниқлашга, улар ривожланишининг олдини олишга, болаларни комплекс тиббий-педагогик реабилитация қилишга, шунингдек асоратларнинг, ногиронликнинг олдини олишга йўналтирилган бўлиши керак.

37. Тарбияланувчилар штатдаги тиббиёт ходимлари, педиатр ва тор ихтисосли мутахассислар томонидан кузатиб борилади. Тарбияланувчилар худудий даволаш-профилактика муассасасининг мутахассислари томонидан бир йилда 2 марта пухта тиббий текширувдан ўtkазилади ва зарурият бўлганда, профилактик ва соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади; изолятордаги бемор болаларни даволаш таъминланади; психофизик ривожланиши бузилган болалар даволанади ва улар ўртасида коррекция-тиклиш тадбирлари ўtkазилади.

Касал бўлиб қолган тарбияланувчилар тиббий кўрсаткичлар бўйича худудий, вилоят ва республика болалар даволаш-профилактика муассасаларига ётқизилади.

38. Болалар уйида янгидан қабул қилинган болалар учун карантин гурӯҳи ва стационар даволашни талаб этмайдиган қасалликларга чалинган болалар учун изолятор ташкил этилади. Изолятордаги ўринлар сони Болалар уйидаги штатли ўринлар сонининг камида 10 фоизини ташкил этиши керак.

39. Тарбияланувчилар ёши, жисмоний ҳолати, ақлий ривожланиш даражаси хисобга олинган ҳолда гурухларга ажратилади. Гурухлардаги болалар сони 1 ёшгача бўлган болалар учун – 8 нафар болани ва 1 ёшдан катта ёшдаги болалар учун – 10 нафар болани, ихтисослаштирилган гурухларда, ёшидан қатъи назар – 8 нафар болани ташкил этиши керак.

Таълим-тарбия фаолияти Болалар уйининг педагоглари ва тарбиячилари томонидан амалга оширилади.

40. Болалар уйларидаги тарбиявий ишлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун давлат таълим талаблари асосида ишлаб чиқилган таълим-тарбия дастурига мувофиқ олиб борилади. Таълим-тарбия жараёни ташкил этишда тарбияланувчиларнинг психологик хусусиятлари хисобга олинган ҳолда мақбул технологиялар, тарбиялаш шакллари ва усуллари танланади.

41. Психофизик ривожланиши бузилган тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия жараёни уларнинг ривожланишидаги бузилишларга мувофиқ, таълим ва тарбиянинг индивидуал йўналтирилган дастурлари бўйича ташкил этилади.

42. Тарбия, дам олиш ва турли тадбирларнинг тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик асосланган ҳолда бирга қўшиб олиб борилишини таъминлайдиган кун тартиби тарбияланувчиларнинг Болалар уйида кеча-кундуз бўлиши хисобга олинган ҳолда тузилади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ОИЛА КОДЕКСИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН МЕЪЁРИЙ  
ХУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮФРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорлари  
тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-модда)

**(Кўчирма)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 30 апрелдаги 608-I-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қўйидагилар:

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

\*\*\*

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 12 апрель,  
171-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1999 йил 12 апрелдаги  
171-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни  
оиласа тарбияга олиш (патронат) түғрисида  
НИЗОМ**

**(Кўчирма)**

\*\*\*

**VI. ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИНГАН БОЛАЛАРНИНГ  
ХУҚУҚЛАРИ**

15. Оиласа тарбияга берилган болалар:  
 ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафака ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;  
 уй-жойга бўлган мулк эгалиги ёки уй-жойдан фойдаланиш хукуки;  
 қонун хужжатларига мувофиқ уй-жой олиш хукуқларини сақлаб қоладилар.

Фарзандликка оладиган оиласа тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларга қонун хужжатларида ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун назарда тутилган барча имтиёзлар татбиқ этилади.

16. Оиласа тарбияга берилган болалар ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш хукукига ҳам эгадирлар.

17. Оиласа ўз манфаатига дахлдор ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақлидир.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 й., 31–32-сон, 318-модда)

**(Кўчирма)**

Ота-онасининг қарори сиз қолган болаларнинг хукуқ ва ман-фаатлари химоя қилинишини таъминлаш, улар учун оиласиий шароитларга яқинлаштирилган зарур шароитлар яратиш, оиласиий болалар уйларини ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Оиласиий болалар уйлари тўғрисидағи Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 июль,  
158-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 31 июлдаги  
158-сон қарорига  
ИЛОВА

**Оилавий болалар уйлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**(Кўчирма)**

\*\*\*

**IV. ТАРБИЯЛОВЧИ ОТА-ОНАЛАР ВА ТАРБИЯЛАНУВЧИ  
БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

21. Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларнинг қонуний вакиллари хисобланади, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан судда, маҳсус ваколатларсиз ҳимоя қиласди.

Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларга нисбатан васийлар (хомийлар) сифатида ҳуқуқларга эга бўладилар ва жавоб берадилар.

22. Тарбияловчи ота-оналар:

болани тарбиялашга;

унинг тинч-хотиржамлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишга (соғлиғи, маънавий ва жисмоний ривожланишига);

боланинг таълим олиши, шу жумладан касб-ҳунар таълими олиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, уни мустаскил ҳаётга тайёрлашга ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

23. Тарбияловчи ота-оналарнинг ҳуқуқлари тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқларига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

24. Тарбияловчи ота-оналар болаларни тарбиялашда қонун ҳужжатларига ва халқаро нормаларга қатъий амал қиласди.

Ўз мажбуриятларини бузишда айбдор бўлган ота-оналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

25. Тарбияловчи ота-оналар узоқ вақт касал бўлганда ёки улар вафот этган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан биргаликда хужжатларни ушбу оиланинг қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган бошқа аъзосига белгиланган тартибда қайта расмийлаштириш ва уни тарбияловчи ота-она деб тайинлаш ёхуд тарбияланувчи болаларни жойлаштиришнинг бошқа шаклларини белгилаш ҳукуқига эгадир.

26. Оилавий болалар уйига берилган бола, агар бу боланинг (болаларнинг), нормал камол топиши, тарбияланишига зид бўлмаса, ўз ота-оналари, қариндошлари билан шахсий алоқада бўлиш ҳукуқига эгадир. Ота-оналарнинг тарбияланувчи болалар билан алоқа қилишига тарбияловчи ота-оналарнинг розилиги билан йўл қўйилади. Низоли ҳолатларда тарбияланувчи болалар билан унинг ота-оналари, қариндошлари ва тарбияловчи ота-оналар ўртасидаги муомала тартиби васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан, бундай келишув бўлмаган тақдирда – суд томонидан ҳал этилади.

Оилавий болалар уйига берилган болани фарзандликка олиш ёки уни ўз ота-оналарига ёхуд қариндошларига қайта-риш ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

27. Оилавий болалар уйига берилган бола ўзига берилиши керак бўлган алиментга, ижтимоий нафақаларга, пенсияга (боқувчисини йўқотгандаги ҳолат, ногиронлик бўйича) ва қонун хужжатларида ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болалар учун қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга бўлган ҳукуқни ўзида сақлаб қолади.

Тарбияловчи ота-оналарнинг болага тегишли бўлган юкорида айтиб ўтилган маблағлардан фойдаланиши тақиқланиди.

28. Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларнинг мол-мулки (шу жумладан уй-жойи) жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органлари билан биргаликда мол-мулкдан фойдаланиши ва сақланиши устидан назорат қилинишини таъминлайдилар.

29. Болаларни оилавий болалар уйига жойлаштириш тарбияловчи ота-оналар билан тарбияланувчи болалар ўртасида алимент билан боғлиқ ва оила тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган мерос билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар келиб чиқишига олиб келмайди.

30. Оилавий болалар уйидан чиқиб кетишда ёки тарбия, даволаш муассасасига, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасасига ва бошқа шунга ўхшаш муассасага ўтказишида болага оилавий болалар уйида бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома ва мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар берилади.

31. Тарбияланувчи болаларга тиббий хизмат кўрсатиш оилавий болалар уйи жойлашган жойдаги худудий даволаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади.

32. Тарбияланувчи болалар таълим муассасаларида умумий асосда ўқийдилар.

33. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилавий болалар уйига тарбиялаш учун берилган боланинг тинч-хотиржамлиги, соғлифи (соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда) ва камол тоши, унинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини хар ойда назорат қиладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТҮЛИҚ ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДАГИ ЕТИМ БОЛАЛАРНИ  
ВА ОТА-ОНА ҚАРОВИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ ПУЛ  
НАФАҚАЛАРИ ҲАМДА КИЙИМ-БОШ, ПОЙАБЗАЛ ВА  
АНЖОМЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН НАФАҚАЛАР,  
ШУНИНГДЕК ТРАНСПОРТДА ЮРИШ КАРТОЧКАЛАРИ  
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўймиталари  
ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси,  
2002 й., 21-сон)*

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2002 йил 11 ноябрда 1187-сон билан давлат рўйхатидан  
ўтказилган]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил  
25 январдаги 33-сон «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ  
қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш-  
нинг 2002–2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини  
таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она  
қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-  
бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шу-  
нингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш  
тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор кучга киргандан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 1998 йил 12 январда 12-04-14 / 13-сон билан тасдиқланган «Болалар уйлари тарбияланувчилари, барча типдаги мактаб-интернатлар, хунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларга бир марталик нафакалар бериш ҳақида Низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамиза қолдирамиз.

**Халқ таълими вазири**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
86-сон.

**Р. ЖЎРАЕВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
119-сон.

**М. НУРМУРАТОВ**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий**

**муҳофаза қилиш вазири**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
01 / 30-93-сон.

**О. ОБИДОВ**

**Олий ва ўрта маҳсус**

**таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
301-сон.

**С. ФУЛОМОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги,  
Молия вазирлиги,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2002 йил 21 октябрдаги  
86, 119, 01/30-93, 301-сон қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни  
ва ота-она қаровисиз қолган болаларни  
пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал  
ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар,  
шунингдек транспортда юриш карточкалари  
билан таъминлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сон «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлашнинг 2002–2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгилangan тартибда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланиб, тегишли таълим муассасаларига жойлаштирилган ота-онаси вафот этган, ота-оналий ҳукуқидан маҳрум этилган, ота-оналий ҳукуқи чекланган, муомалага лаёқатсиз деб тошилган, касал бўлган, узоқ муддат бўлмаган, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

дан бўйин товлаган, шу жумладан тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги боласини олишдан бош тортган ота-оналарнинг болалари, шунингдек, бошқа ҳолларда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар деб ҳисобланади.

2. Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларга барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётгандан ва ишга жойлашаётгандан кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар 2002 йилда – энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваригача, 2003 йилдан – 100 бараваригача микдорида берилади, шунингдек 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи микдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилдан 5 бараваригача микдорда пул нафақаси ҳам берилади.

3. Ушбу нафақалар таълим муассасаларининг битирувчи сига бир марта, яъни таълим муассасасини битириб, ишга жойлашаётганида берилади. Агар ушбу муассасаларнинг тарбияланувчisi 9-синфни битириб, академик лицей ёки касб-хунар коллежига, академик лицей ёки касб-хунар коллежини битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирса, унда битирувчи харикки нафақани ушбу таълим муассасасида ўқишни тугатгандан сўнг, шу муассасалардан олади.

4. Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётгандан ва ишга жойлашаётгандан кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиши учун тўланадиган нафақалар ва пул нафақалари учун қилинадиган харажатлар микдори улар тарбиялананаётган таълим муассасаларнинг ёки ўқишни давом эттираётган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг харажатлар сметасида бюджет харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли моддаси бўйича кўзда тутилади.

5. Битирувчига янги кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақа микдорига teng пул маблағи битирувчининг банк муассасасида очилган омонат ҳисобвараfiga ўтказилади, пул нафақаси эса нақд пул билан берилади.

лади. Битиравчиларнинг шахсий омонат ҳисобварагига пул маблағини ўтказиш ва уларга нақд пул нафақасини бериш ҳар йили 1 сентябргача амалга оширилади.

6. Таълим муассасаларининг раҳбарлари битиравчининг ҳисобварагига ўтказилган маблағдан кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олишда уларга кўмаклашадилар. Истисно та-риқасида, руҳий жихатдан ривожланишида нуқсони бўлган битиравчиларнинг талаби билан таълим муассасаларнинг раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассаса битиравчисига кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақани пул билан эмас, балки шу нафақа микдорида муассаса томонидан олиб бериладиган кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сифатида берилишини ташкил этишлари мумкин. Бироқ, бу ҳолда битиравчини нафақа шаклини танлашга мажбур этиш тақиқланади.

7. Пул нафақасини беришда ҳамда битиравчига кийим-бош, пойабзal ва анжомлар учун тўланадиган нафақаларни буюм сифатида беришда, муассаса раҳбарининг буйруғи билан таркиби муассаса маъмурияти ва педагогик жамоа аъзолари, шу муассаса тарбияланувчилари, ўқувчилари ёки талabalаридан иборат бўлган комиссия тузилади ва пул нафақаси ҳамда буюмлар шу комиссия иштироқида берилади.

8. Комиссия томонидан пул нафақаси ва буюмларнинг берилган санаси, уларни олган битиравчининг фамилияси, исми, шарифи тўлик кўрсатилган, шахсий имзоси кўйилган 2 тадан нусхада тарқатиш қайдномаси (ведомости) ва шахсий ҳисоб ва рақаси, битиравчига пул нафақаси берилгани ҳамда унга берилган кийим-бош, пойабзal ва анжомларни ҳисобдан чиқариш ҳақида далолатнома расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларнинг бир нусхаси ҳисобот учун бухгалтерияга топширилади. Бухгалтерия мазкур ҳужжатлар ва битиравчиларга кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олинган бўлса, тегишли савдо ташкилотлари томонидан берилган ҳужжатлар юқ варақаси, чек ҳамда ишончнома асосида ҳисобот тузиб, уни амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шаклда ва муддатларда тегишли таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларига топширади.

9. Битиравчиларга бериладиган пул нафақаси, кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар тўлашга ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича жавобгарлик битиравчига нафақаларни бераётган муассаса раҳбари, буни назорат қилиш эса таълимни бошқарув бўйича ваколатли давлат органлари ва уларни молиялаштирувчи органлар зиммасига юклатилади.

10. Битиравчининг истагига мувофиқ битиравчига кийим-бош, пойабзал ва анжомлар бериладиган бўлса, битиравчи таълим муассасаси раҳбари номига ўзи учун зарур бўлган кийим-бош, пойабзал ва анжомлар рўйхатини кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қиласи. Бунда битиравчи кийим-бош, пойабзал ва анжомларни танлашда мазкур Низом иловасидаги рўйхатдан фойдаланади.

11. Битиравчининг талабига кўра кийим-бош, пойабзал ва анжомларни сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар унга буюм сифатида бериладиган бўлса, муассасалар раҳбарлари уларни савдо ташкилотларига пул ўтказиш йўли билан харид қиласида ва битиравчиларга берилган кийим-бош, пойабзал ва анжомлар бўйича ҳисоботни тегишли савдо ташкилотлари томонидан берилган тасдиқловчи ҳужжатлар – юк варагаси, чек ҳамда ишончнома асосида тузиб, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳисбот шаклида ва белгиланган муддатларда тегишли таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органдарига топширадилар.

12. Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланадиган, умумтаълим мактаблари, академик лицей ёки касбхунар коллажларида ўқиётган тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ўқийдиган таълим муассасаси яшаш жойидан З километрдан зиёд масофада жойлашган бўлса, улар жамоат транспорти ва ўқувчилар учун транспортда имтиёзли юриш карточкалари муомалада бўлган шахар ва аҳоли пунктларида имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминланадилар, агар шахарда ёки аҳоли пунктида бу турдаги карточка тизими бўлмаса, у ҳолда ўқувчиларга ушбу шахарда ёки аҳоли пунктида транспортда имтиёзли юриш хукуқини берувчи бошқа турдаги карточка берилади.

13. Транспортда юриш карточкалари бюджет маблағларидан таълим муассасалари харажатлар сметасида уларни сақлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинади ва бюджет харажатлари ҳисоботларида бюджет харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли моддасида акс эттирилади.

14. Транспортда юриш карточкаларига ҳақ тўлаш, таълим муассасалари томонидан ушбу карточкаларни муомалага чиқарган ташкилот ёки ўқувчилар қатнайдиган йўналишда транспорт воситалари (таксидан ташқари) қатновини йўлга қўйган автокорхона билан тузилган шартномага биноан нақд пулсиз, шу ташкилот ёки корхона ҳисобига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

15. Транспортда юриш карточкалари хар ойнинг якунида, яъни шу ойнинг тугашига 2 кун қолганида тарбияланувчиларга тарқатилади.

16. Транспортда юриш карточкаларини бериш учун таълим муассасалари раҳбарлари ўқув йили бошланишидан олдин ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган болаларнинг рўйхатини тайёрлаб, уни тасдиқлайдилар. Мазкур рўйхат болаларга бундай карточкаларни бериш учун асос бўлади. Транспортда юриш карточкалари факат ўқиш даври учун берилади.

17. Агар боланинг яшаш жойи ёки таълим муассасасининг жойлашган жойи ўзгариб, ўқув муассасасининг яшаш жойидан узоқлиги 3 километрдан ортиқ масофани ташкил этса, бундай ўқувчилар янги яшаш жойида ҳам транспортда юриш карточкалари билан таъминланадилар. Аввал яшаган муассасида бу болага ушбу мақсад учун сарфланиши кўзда тутилган маблағ харажати ўқувчи муассасадан кўчирилган кундан эътиборан тўхтатилади.

18. Таълим муассасаларини маблағ билан таъминловчи молия идоралари тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларга ва ота-она қаровисиз қолган болаларга имтиёзли транспортда юриш карточкалари берилиши учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминлайдилар ҳамда ушбу мақсадда ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан қатъий назорат олиб борадилар.

19. Транспортда юриш карточкаларини сотиб олишга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг тӯғри тақсимланиши юзасидан жавобгарлик таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

20. Мазкур низомнинг тўлиқ матни муассасанинг ҳамма кўриши мумкин бўлган жойига осиб қўйилиши лозим.

Тұлық давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби түғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Тұлық давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларга бериладиган кийим-бош, пойабзal ва анжомлар**  
**РҮЙХАТИ**

Т/р	Кийим-бош, пойабзal ва анжомлар номи	Ұлчов бирлиги	Бир нафар болага бериладиган норма	
			ұғыл болалар учун	қызы болалар учун
<b>Кийим-кечаклар</b>				
1.	Қишки пальто, куртка	дона	1	1
2.	Мавсумбоп пальто, куртка	дона	1	1
3.	Қишки бош кийим	дона	1	1
4.	Күзги бош кийим	дона	1	1
5.	Йессик шарф	дона	1	1
6.	Құлқоп	жуфт	1	1
7.	Күзги пойабзal	жуфт	1	1
8.	Ёзги пойабзal	жуфт	1	1
9.	Қишки пойабзal	жуфт	1	1
10.	Шиппаклар	жуфт	1	1
11.	Ұғыл болалар ички кийинми	тұплам	2	-
12.	Қызы болалар ички кийими	дона	-	2
13.	Тунгы күйлак	дона	-	1
14.	Сийнабанд	дона	-	2
15.	Колготка	дона	-	2
16.	Трико	дона	-	2
17.	Байрам костюми ёки күйлаги	дона	1	1
18.	Спорт костюми (ярим жун)	дона	1	1
19.	Шойи блузка	дона	1	1
20.	Эркакларнинг байрам күйлаги	дона	1	-
21.	Жұн сарафан ёки юбка	дона	-	1
22.	Жұн шим	дона	1	-
23.	Ип газлама күйлак (блуза)	дона	1	1
24.	Ип газлама күйлак ёки костюм	дона	1	1
25.	Жакет ёки жемпер	дона	1	1
26.	Рүмнелчалар	дона	2	2
27.	Пайпоқ, голльф	жуфт	2	2
28.	Портфель, сумка	дона	1	1
29.	Чамадон	дона	1	1

**Анжомлар**

1.	Юз сочиқ (пахта ёки зигир толасидан түкілган)	дона	1	1
2.	Пахмок сочиқ (хаммол учун)	дона	1	1
3.	Ёстиқнинг ички жилди	дона	1	1
4.	Ёстиқнинг ташқи жилди	дона	2	2
5.	Жун адёл	дона	1	1
6.	Чойшаб	дона	2	2
7.	Күрпа жилди	дона	2	2
8.	Үрин ёпинғичи	дона	1	1
9.	Пахтали түшак	дона	1	1
10.	Ёстик	дона	1	1
11.	Каравот	дона	1	1
12.	Тумбочка	дона	1	1
13.	Стол	дона	1	1
14.	Стул	дона	2	2
15.	Дарпарда	дона	2	2

**Анжомлар**

1.	Ошхона идишлари	тұплам	1	1
2.	Чой ва овқат идишлари	тұплам	1	1

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ЎН САККИЗ ЁШГА ТҮЛМАГАН ШАХСЛАР КЎТАРИШЛАРИ ВА ТАШИШЛАРИ МУМКИН БўЛГАН ОФИР ЮК НОРМАЛАРИНИНГ ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 19–20-сон, 242-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2009 йил 12 майда 1954-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди]

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни хамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37–38-сон, 377-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиласди:**

1. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель,  
17/ҚҚ-сон.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель,  
8-сон.

Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги  
ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил  
21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари  
ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк  
нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари хақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 37–38-сон, 377-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилайди.



## **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом мулкчилик шаклидан қатыи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларида кўлланиши шарт.

2. Ушбу Низом талаблари таълим тизимидағи услугбий қўлланмаларни ишлаб чиқиша ва ишлаб чиқариш амалиётида эътиборга олиниши лозим.

## **II. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун юкларни кўтаришлари ва ташишлари учун рухсат этиладиган нормалар**

3. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ ҳолда белгиланади.

4. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига жалб этилмаслиги лозим.

5. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун – 6,5 кг, қиз болалар учун – 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

6. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

7. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларга аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига рухсат этилмайди.

### **III. Якуний қоида**

Ушбу Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси  
Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси  
 билан келишилган.

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси      Д. ЖАҲОНГИРОВА**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 апрель

**Савдо-саноат палатаси раиси А. ШАЙХОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 апрель

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари  
ва ташишлари мумкин бўлган оғир юқ нормаларининг  
чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомга  
**ИЛОВА**

**Иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш  
ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда,  
ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган  
шахсларнинг юқ кўтариш ва ташиш  
нормаларининг чегараси**

Кўтариш ва ташиш турлари	Юқ нормасининг чегараси		Кўтариш ва ташиш шартлари
	ўғил болалар учун	қизлар учун	
Кўлда	13 кг гача	7 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юкори бўлмаганда рухсат этилади
Бир фидиракли аравачада	39 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юкори бўлмаган фақат тахтали йўлакда харакатланишга рухсат этилади
Икки фидиракли аравачада	47 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юкори бўлмаган текис йўлда харакатланишга рухсат этилади
			қиялик баландлиги 0,01 дан юкори бўлмаган хотекис йўлда ва қўприклиларда харакатланишга рухсат этилади
Уч ва тўрт фидиракли аравачада	67 кг гача	52 кг гача	қиялик баландлиги 0,02 дан юкори бўлмаган текис йўлда харакатланишга рухсат этилади
Вагонеткаларда	405 кг гача	224 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юкори бўлмаган темир йўлларда харакатла- нишга рухсат этилади

**Изоҳ:**

- Барча юқ нормалари юкнинг оғирлиги билан биргаликда уларни кўта-  
ришлари ва ташишлари мумкин бўлган мосламаларни ҳам ўз ичига олади.
- Рухсат этилган қияликнинг баландлиги деганда қияликнинг энг юкори  
баландлигини йўлнинг узунлигига нисбати тушунилади.

## **МУНДАРИЖА**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (қўчирма) .....	3
Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (қўчирма).....	4
Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (қўчирма) .....	8
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Бола хукуклари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш хақидаги қарори .....	12
Ўзбекистон Республикасининг Бола хукукларининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни .....	13
Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни (қўчирма) .....	26
Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (қўчирма) .....	32
Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Бола хукуклари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллукли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши хақидаги қонуни .....	38
Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Бола хукуклари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг куролли можароларда иштирокига тааллукли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши хақидаги қонуни .....	39
Ўзбекистон Республикасининг Васийлик ва хомийлик тўғрисидаги қонуни (қўчирма) .....	40
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори .....	48
Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом .....	51
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарори .....	63
Болалар уйлари тўғрисидаги низом .....	64
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори .....	68
Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласга тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом (қўчирма) .....	69

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори .....	70
Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низом (кўчирма) .....	71
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг	
Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори .....	74
Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом ....	76
Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юқ нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори .....	84
Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари мумкин бўлган оғир юқ нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом ...	86

# **БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ**

*Ўзбек тилида*

Нашрга тайёрловчилар:	<i>Д. Саъдуллаев, Д. Ибрагимова</i>
Мухаррирлар:	<i>А. Омонов, Г. Ортиқхўжаева</i>
Техник мухаррир:	<i>А. Аҳмедов</i>
Компьютерда	
сахифаловчи:	<i>Ш. Расулов</i>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги  
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI № 228, 16.11.2012.  
100077, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-үй.  
Телефон: 8 (371) 268-28-41, 268-28-56.

Веб сайт: [www.adolatnashr.uz](http://www.adolatnashr.uz)  
e-mail: [info@adolatnashr.uz](mailto:info@adolatnashr.uz)

Босишига руҳсат этилди 10.06.2014 й.  
Қороз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «AntiquaUz» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табори 5,75.  
Нашриёт хисоб табори 5,0. Адади 400 нусха.  
....сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«КО‘НІ-NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўч., 44-үй.**

